



«Бугун сизларнинг барчангиз қалбингизда зўр ҳаяжон, зафар иштиёқи билан бел боғлаб майдонга тушар экансиз, бу мусобақалар халқимизнинг том маънодаги умид ниҳоллари бўлган сиздек ёшларимиз учун катта синов ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини, ўйлайманки, яхши англайсиз».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 6-may • Shanba • 53 (27.545) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри фарзандларим!
Аваллаб, мана шу гўзал баҳор кунларида кўхна ва саховатли Қашқадарё замида жам бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимиз, сизларга омад тилаб турган устоз-мураббийлар, ота-оналар ва ёру дўстларингизни «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун сизлар каби минг-минглаб ўқувчи ёшларимизнинг азму шижоати, очкич чеҳрасига боқиб, барчамиз вақтинг қандай шиддат билан ўтаётганини, кўз ўнгимизда янги бир авлоднинг тобора кучга тўлиб, сафимизга кириб бораётганини чуқур ҳис этамиз ва беихтиёр кўнглимизда, қалбимизда кувонч ва гурур туйғулари пайдо бўлади, мустақил ҳаёт кечиратган йилларимизда амалга оширган машаққатли меҳнатимиз зоё кетмагани учун Яратганимизга шукроналар айтаемиз.

Айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини амалда намойиш этиб, дастлабки умидбахш марраларни кўлга киритаётган навқирон фарзандларимизни кўриб, эртанги кунимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Шу нуқтага назардан қараганда, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг наватбадга мусобақалари Қашқа воҳасида, буюк бобомиз соҳибқирин Амир Темури туғилган воёга етган қадимий замида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Айнан мана шу табаррук масканда тарбия топган, билим олган бу улуг аждодимиз ўзининг беқувват ақл-заковати, ноёб истеъдоди, юксак ҳарбий маҳорати, бунёдкорлик фазилатлари билан жаҳонга машҳур бўлган улкан салтанат бунёд қилиб, ўзбек номини улугулар ва унинг шухратини бутун дунёга тараннум этган.

Шунинг учун ҳам буюк Амир Темури авлодлари бўлмиш сиз, юртимизнинг азиз фарзандлари бобомизнинг бизларга қарата айтган — биз киммиз, қандай улуг зотларнинг зурриёдимиз, бизнинг илдиизларимиз нақадар чуқур, деган мазмундаги, бугун ҳам катта маъно ва ҳаётбахш кучга эга бўлган давлатини ҳеч қачон ҳеч қаерда унутмаслигини истардим.

Ва айни пайтда бу ҳикматли сўзлар сизларнинг орзу-ниятларингиз, интилиш ва ҳаракатларингизга қанот бериб, ўзгалар ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб улгайишигизда доимо куч-қувват бахш этиши табиий, албатта.

Қашқадарё замини азал-азалдан кураги ерга тегмаган, мардлик ва ҳалолликни муқаддас ва олий қадрият деб биладиган ориятли полковлари, доворак баҳодирлари билан ҳаммиша шухрат қозониб келади.

Бугун сизларнинг барчангиз қалбингизда зўр ҳаяжон, зафар иштиёқи билан бел боғлаб майдонга тушар экансиз, бу мусобақа-

лар халқимизнинг том маънодаги умид ниҳоллари бўлган сиздек ёшларимиз учун катта синов ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини, ўйлайманки, яхши англайсиз.

Азиз ўғил-қизларим!
Ҳозирги кунда юртимизда ёру келажакни ўйлаб, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилатган янгиланишлар, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз аваллаб ягона бир мақсадни кўзда тутди. У ҳам бўлса, миллионлаб фарзандларимизнинг замона талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозлари даражасида жиҳозланган, янгича қиёфа касб этиб бораётган мактабларда, илғор таълим стандартлари асосида, ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитда билим ва тарбия олишини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги ва эртанги кунини белгилаб берадиган мана шу эзгу мақсад йўлида давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшлардан ҳеч нарсани — маблаг ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам асло аямайди.

Менинг даъватим — халқимизнинг ана шундай эътибори ва ғамхўрлигига ҳаммиша муносиб бўлинг, жондан азиз Ватанимизни, умид озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга қодир фидойи, баркамол инсонлар бўлиб етишишга интилиб яшанг.


Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таъинимиз ва сунъатимиз деб билади.

Ишончим комилки, қизгин беллашувлар, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган, фарзандларимизнинг иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу спорт ўйинлари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган кўли гул қувуричлар, мезмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар, саховатли хомийларга, бутун Қашқадарё аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги байрам, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, қалбингиздаги эзгу интилишларингиз рўёбга чиқишини тилайман. Доимо омон бўлинг, бахт ва омад сизларга ҳаммиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Аслим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ШОДИЁНАСИ

Кеча Қарши шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинларининг финал босқичи тантанали очилиш маросими бўлди

Юртбошимиз ташаббуси билан уч босқичда: «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг мунтазам уюштириб келинаётгани мамлакатимизда спортга катта эътибор берилаётганининг амалдаги ифода-сидир. Баркамол ва соғлом авлод камолотида муҳим омил саналган мазкур уч босқичли тизим бугун дунёнинг кўлаб давлатлари мутахассислари томонидан эътироф этилмоқда.

Ёдингизда бўлса, «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларига биринчи бўлиб 2002 йилда Фарғона вилояти мезбонлик қилган. Уч босқичли спорт байрамлари — Наманган, Жиззах, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд ҳамда пойтахт вилоятларида муваффақият билан ўтказилди. Ана шундай катта тадбирлар арафасида жойларда барпо этилган ўнлаб замонавий ва муҳташам спорт қосоналарида бугун минглаб бўлғуси чемпионлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

Дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш йўлидаги интилишларимизнинг ёрқин ифодаси саналган «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинларига ҳам пухта ҳозирлик қилинди. Мусобақалар арафасида Қарши шаҳрида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Жумладан, янги Марказий стадион қуриб фойдаланишга топширилди. Мутахассислар эътирофига, мазкур стадион тўлиқ ФИФА талабларига жавоб беради.

Янги стадион билан ёнма-ён қад ростлаган Қарши Олимпия захиралари спорт коллежини эса вожа ёшларига ажойиб совға бўлди, дейиш мумкин. Коллежда ёпиқ енгил атлетика манежи ва сув ҳавзаси, тўртта спорт зали ва бир неча спорт майдончалари мавжуд бўлиб, бу ерда бир вақтинг ўзида спортнинг ўнлаб турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш имконияти бор.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

Суратларда: тантаналардан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида:

1. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида; иловага мувофиқ, унинг акциядорлари таркиби ва устав сармоясини кўпайтириш тўғрисида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банклари-нинг таклифларига розилик берилсин.

«Микрокредитбанк» «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан мулк, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қўйидагилар «Микрокредитбанк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг қўламли банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобида тадбиркорлик соҳаси кенгайтиришга қўмаклашиш; қарз олувчи томондан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиқлаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш; микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

(Давоми 2-бетда)

Депутат ва ҳаёт

ДЕПУТАТ ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларни ўзининг асосий таянчларидан бири, деб ҳисоблайди. Партия уларнинг манфаатларини ифодалади ва ҳимоя қилади. Бугун ёшларни қандай масалалар қизиқтирмоқда, уларнинг онгда мафкуравий бўлиш пайдо бўлишига ўрин қолмаётганини? Ушбу саволларга талабаларнинг жавоблари, фикрларини билиш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ талабалари билан учрашув ўтказди.

Депутат дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, жумладан шундай деди:

«Депутат дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, жумладан шундай деди: «Тўғри, тан бўлишимиз керак, баъзи бир муаммолар ёшлар қатори, катталарни ҳам қийнамоқда. Улар, албатта, ўз ечимини топади. Бизнинг ёшларимиз билим жиҳатдан бошқалардан ҳечам қолишмайди. Фарзандларимизга илм олиши йўлида кичик бир имконият яратиб берсангиз бўлди,

руни билдирдилар. Юсуф КАРИМОВ, ЎЗМУ магистранти:

— Бугунги учрашув жуда қизиқarli бўлди. Бизни қийнаётган муаммоларни очкич-ойдин айтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси фаолияти билан танишиб бўлди. Қабул қилинаётган янги қонунлардан хабардор бўлди. Узимизнинг тақлиф-мулоҳазаларимизни билдирдик. Бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб туриلسа яхши бўларди. Энг муҳими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси биз — ёшлар муаммолари, ютуқларига бефарқ эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ғайрат ШИРИНОВ, ЎЗМУ талабаси:

— Ўзим ҳам ЎзХДП аъзосиман. Партияимизнинг бугунги кундаги позициясини қўллаб-қувватлайман. Ана шу позиция сабаб, биз кўпчилик ишончини қозондик. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган партияимиз Марказий Кенгашининг IV пленуми материаллари билан танишиб чиқдим. Партияимиз кўтариб чиққан мафкура марсаласи жуда муҳим ҳисобланади. Энди халқнинг орасида тарбиёт-ташвиқот ишларини янада жонлантиришимиз керак.

Бугунги учрашувдан сўнг, мақсадимга эришилш йўлидаги ишончим янада ортди.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида биноан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилганига қарий бир йил бўлди.

Хўш, ушбу жараённинг афзал ҳаётлари нимадлар кўринмоқда? Бу борадаги суд амалиёти таҳлилларидан қандай хулоса чиқариш мумкин?
Ушбу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Аминжон ИШМЕТОВГА мурожаат қилдик.

ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ

ёки уларнинг суд томонидан қўлланиши тадбиркорларга амалий ёрдам бўлаётгани хусусида


— Аввало, Президентимизнинг ушбу Фармони жамият демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонийини манфаатлари ҳимоя қилинишини

таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асосис чекланишига йўл қўймаслик мақсадида йўл қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакл-

лари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан мажмур этилиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур Фармон ушбу конституциявий меъёрнинг ҳаётга тўла таъбиқ этилишида ўзига хос роль ўйнайди.

2-бет



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар яқинлашган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар яқинлашган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар яқинлашган

Миллий ҳамда чет эл валютасида
барча банк хизматлари Сизнинг
муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар яқинлашган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали: тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилга 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 қаррагача миқдорда 18 ойгача бўлган муддатда;

микрокредит олишга буюртманома; бизнес-режа; микрокредит қайтарилиши таъминлашнинг тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланади. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги муваққат низоми ишлаб чиқин ва тасдиқласин.

ласин ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка қўмақласин.

УРГУТ «ҲИЛОЛ» И

МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ ЧАҚОНЛАШДИ



Икки йил илгари иш бошлаган Ургутдаги «URG-GAZ-XASHAPLAN» ўзбек-турк қўшма корхонаси туманда қишлоқ саноати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Туркиядан келтирилган «Eltaks» маркази дастгоҳларда тўқилаётган маҳсулотлар сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

хонасига ҳам 1 млн. сўм маблағ ажратилди. Корхона асосий хомашёни Туркиядан келтирмоқда. Технологиялари узлуксиз ишлашни таъминлаш, қишлоқ ёшларига касб сирларини пухта ўргатиш мақсадида 2 нафар туркиялик мутахассис корхонада ишлашяпти.



ЎЗХДП ҳаёти

ИМКОНИЯТ ВА ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

фаолият кўрсатиш, қуруқ гаплар ўрнига амалий ишлар қилиш лозим, деган фикрга келишди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши навбатдаги пленуми иштирокчилари

Пленумда партия Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Уларнинг асосий фаолиятлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури, ижтимоий йўналишларни сўл сиёсий мафқурасини партиянинг электрорати, шунингдек, сайловчиларнинг кенг қатламлари орасида тушунириш, тарбият-ташвиқот ишларини кучайтиришга қаратилиши мақсадаги мувофиқдир.

ҳал этилса, партияимиз ишларини уларнинг ўзлари тарғиб қила бошлайдилар. Уринбой АЛЛАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қўнғирот туман кенгаши раиси:

Фармонга мувофиқ 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш, банклардаги ҳисоб ва рақарлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкциялар қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни ўн кундан кўпроқ муддатда тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишнинг тугатиш ва ёки қилиш фақат суд орқали амалга оширилмоқда.

Коракалпоғистон республика партия кенгаши, шунингдек, шаҳар ва туман кенгашлари қришда ташкил қилинган жамоатчилик қабулхоналарига ҳар ойда 50 дан кўпроқ фуқаро мурожаат аэтаяпти. Партия ташкилотларимизнинг электротимиз манфаатлари йўлида амалий ишлар билан шуғулланаётганлиги уларнинг партияга бўлган ишончини орттирмоқда. Бу ишда Ўзбекистон ХДПдан сайланган Жўқорғи Кенгес, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари имкониятларидан кўпроқ фойдаланишга эришмоғимиз зарур.

Бирок тан олишимиз керакки, ҳали бор имконият ва талаб даражасида фаолият кўрсатолганимиз йўқ. Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий Кенгашларда электротимиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўпроқ ташаббус билан чиқишимиз лозим, деб ўйлайман. Ағатай АДИЛОВ, Ўзбекистон Қоҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Таштақўлир туманидаги «Таштақўлир» ширкат хўжалиги раиси:

Партияимиз мафқуравий ишларнинг самардорлигини оширишда фаол аёллар ва ёшлар қанотлари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашувлар, суҳбатлар катта аҳамият касб этади. Айтилган тақлиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу тузилмаларнинг бошланғич бўғинларини тузиш ва ишини йўлга қўйиш лозим. Чунки, жамият таянчи бўлган хотин-қизлар, келажак эгаси ёшлар орасида мафқуравий ишларни янада кучайтириш умумий партия ишларини жонлантиради.

Суд амалиётидан олинган биркорларни асосис жарима ва бошқа таъсир чораларига тортиш сезиларли қамайди. Яъни, тадбиркор учун ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Сайловчи оппозицияларимиздан мафқуравий фарқимизни фақат айби ўтишининг ўзи етарли эмас. Раёбларимиз билан конструктив босқинлар эканмиз, уларнинг ҳақдорлигига аниқ муносабатда бўлишимиз зарур.

Партия кенгашлари қришда ташкил қилинган жамоатчилик қабулхоналари ишини янада самарали ташкил этиб, имкониятлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишимиз лозим. Депутатлар, партия фаолларини бу ишларга жалб этиш яхши самара беради, деб ўйлайман. Агар ҳар бир мурожаат этадиган одамнинг муаммолари қонуний

Пленумда, шунингдек, партия кенгашининг 2005 йилги молиявий ҳисоботи ва 2006 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари, ЎзХДП аъзолари қайта рўйхатдан ўтказишнинг бориши ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Тегилли қарорлар қабул қилинди.

Юқориди мисолдан шу нарса аён бўладики, агар Фармон қиқмасдан аввалги тартибда бу жараён амалга оширилганда 2005 йилнинг фақат иккинчи ярмида 1.300 дан зиёд тадбиркор турли органлар томонидан қонуний жавобгарликка тортилган бўлар эди.

Депутат ва ҳаёти

ДЕПУТАТ ЁШЛАР ДАВРАСИДА

80-Чирчиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатиликка сайланган Ҳамидулла Назаровнинг навбатдаги учрашуви Чирчиқ шаҳридаги қоллежлар талабалари билан бўлиб ўтди.

бошланган суҳбат ёшлар маънавияти, дунёқароши ҳақидаги фикрлар алмашувига уланди. — Коллежимизда ёшларнинг пухта билим олиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари учун барча шароитлар бор, — деди Чирчиқ техника коллежи директори ўринбосари Абдулла Отаназаров. — Гап ана шу шароитлардан ёшлар маънавиятини бойитишда қандай фойдаланишга ҳам боғлиқ. Чунки, кутубхонамиз учун 20 дан ортиқ номдаги газета-журналларга обуна бўлган

маиз. Ёшларнинг ўқишдан бўш пайтларида уларнинг дунёқарошини бойитадиган турли тадбирлар ўтказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги депутат билан учрашувимиз шундай тадбирлардан бири бўлди. — Маҳаллаларда, қорхоналарда бўлиб ўтган ана шундай учрашувлардан кейинги ҳулосам — сайловчилар ЎзХДП ва партия фракцияси фаолияти ҳақида анча маълумотларга эга. — дейди депутат Ҳ.Назаров, — Айна пайтда бу ҳақда батафсилроқ билишни, ўзларини қийнаётган муаммоларини бевосита депутатга етказишни ҳам исдотайдилар. Бундай мулоқотлар партия нуфузини оширишга хизмат қилади. (Ўз мухбиримиз)

аниқ мисолларга мурожаат қиламиз: Тошкент вилоят Бўка туман давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, «Лазия» МЧЖга нисбатан 783.500 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Рўзбой САИДОВ эъиб олди



ЭРОН

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Техронни ядро дастури борасида резолюция қабул қилишга ундаётган АҚШ ва унинг европалик иттифоқчиларини Эрон маъмурияти қоралаб, сунъий зиддиятларни келтириб чиқараётганлигида айблади.

Айни пайтда Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси Эрон буйича резолюция лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Бу лойиҳани АҚШ, Буюк Британия ва Франция қўллаб-қувватлаётган бўлса, Хитой ва Россия таклиф этилган чораларга рози эмаслар.

Резолюция лойиҳаси Эронни «уранни бойитиш ва қайта ишлаш буйича барча ишларни, шу жумладан, технологияларни ривожлантириш ва тадқиқ қилишни тўхтатишга» чақиради.

ИСРОИЛ

Исроилда Эхуд Ольмерт бошчилигидаги янги ҳукумат қасамёд қабул қилди. Янги ҳукумат парламент сайловларида ғолиб чиққан «Кадима» партиясининг Меҳнат партияси, Пенсиякерлар партияси ва «ШАС» ультрасортодоксал партиялари билан олиб борилган музокаралар натижасида шакллантирилди.

Шу билан бирга, «ШАС» партияси коалиция ҳукумати таркибидан чиқиши ҳақида маълум қилишга ҳам улгуриб бўлди. Партия раҳбарияти фикрича, Ольмертнинг гарбий қирғоқдаги босиб олинган ҳудудларни ташлаб чиқиб кетиш режаси мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан биров олдин Ольмерт парламент аъзоларига тўрт йил ичида Исроилнинг доимий чегараларини ўрнатиш кераклигини маълум қилганди. Унинг сўзларига кўра, янги чегаралар ҳозирги чегаралардан кескин фарқ қилади.

СУДАН

Судан ҳукумати ва кўзғолончилар Африка Иттифоқи воситачилари томонидан тинчлик шартномасини имзолашга белгиланган мuddат тугаганига қарамай, ҳали ҳам Дарфур борасида келишувларга эришиш йўлларини қидирмоқда.

АҚШ, Буюк Британия, Нигерия ва Конгонинг юқори мартабали вакиллари кўзғолончилар билан учрашиб, таклифларни қабул қилишга ундашмоқда. Судан ҳукумати тинчлик шартномасини имзолашга тайёр эканлигини билдирди. Бироқ кўзғолончилар кўнишмаяпти. Улар ҳукуматдан хавфсизлик кафолатларини таъминлашни ва баъзи ҳукумат ваколатлари бўлинишини талаб қилишмоқда.

ГЕРМАНИЯ

Германиянинг «BMW» автомобиль концерни сотувлар ва фойда кўриш буйича рекорд ўрнатди. 2006 йилнинг биринчи чорагида компания 332 923 та автомобиль сотишга муваффақ бўлди. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан 12 фоизга кўпдир.

Бир йил ичида компаниянинг солиқлари ҳисобланмаган даромади 1,6 миллиард долларга етди. Йил охиригача «BMW» 4 миллиард доллар фойда кўришни режалаштириб қўйган.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
МХХ ДЧХҚҚ 9113-ҲАРБИЙ ҚИСМИ**

**қуйидаги объектлар буйича
танлов савдолари ўтказилишини
эълон қилади:**

1. «Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 9225-ҳарбий қисмининг 3-сон «Тагоп» чегара постидаги 10 ўринли ётоқхона-модуль ва ташқи девор қурилиши».

2. Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 9225-ҳарбий қисмининг 6-сон «Чилламозор» чегара постидаги 10 ўринли ётоқхона-модуль (2 та), 20 ўринли ошхона-модуль ва ташқи девор қурилиши».

3. «Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Чубот қишлоғидаги 9224-ҳарбий қисмининг 16 хонадонга мўлжалланган турар-жой ташқи тармоқлари билан қурилиши».

Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2006 йил IV чорак.

Буюртмачи манзили — Жиззах шаҳри, «Халқлар Дўстлиги» кўчаси.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:

танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, лицензия талаб этиладиган ишларни бажариш учун лицензия,

ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш ишхоотларни қуриш буйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, III.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (элик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириг мuddати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

**ХИВА ПЕДАГОГИКА
КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

**9 май — Хотира ва Қадрлаш
куни муносабати
билан аждодлар руҳини
ёд этади.**

**Мамлакатимиздаги ҳар бир
хонадонда осойишталик ва
фаровонлик ҳукм сурсин.
Дастурхонимиздан
файз-барака аримасин!**



Қашқадарё «ПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

**Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан
аждодлар руҳини ёд этади ва барча
ҳамюртларимизга энг эзгу тилаklarини билдиради.**

**Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахт-саодати учун ўз ҳаётини
қурбон қилган ватандошларимиз хотираси қалбимизда ҳамиша барҳаёт.**

**«Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Шу боис халқимиз бу кунни буюк аждодларимизни хотирлаш ва бугунги
тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳамда шукроналик куни сифатида нишонлайди.
Айниқса, одамлар ўртасида инсонийлик, меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганлиги қувончлидир.
Ўтган ота-боболаримизнинг руҳини шод этиш, атрофимиздаги инсонларни қадрлаш
бизнинг муқаддас бурчимиздир.**

Ниятимиз шуки, юртимиз осмони ҳамиша тинч бўлсин!

Ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаётган жонажон Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

Инсон хотираси — азия

ОЛИМ ОРТИДАГИ ОЛАМ

...Хотира абадийдир. Утганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Ислом КАРИМОВ



Уйғоқ хотиралар мени бир зум ўтган йиллар томон етаклайди. Кимдандир кўрган яхшилигини, эшитган бир оғиз ширин сўзини, қолаверса бутун умрининг нур каби ёритган устозлар сабоқлари... Қарздорлик юки елкангини боса бошлайди. Нимага энди домлаларим ҳаёт чоғларида уларни кадрломмадим, миннатдорчилик билдирилмадим. Салобатлари босдим, ёшлик қилдимми? Ишқилиб бу саволлар бугун бағримни ўртайди.

Самарқанддаги машхур университет хиббони узра кўр тўкиб турган СамДУ канчалар улугларни кўрмади. Унинг бағрида замонанинг йирик олимлари улғайишди. Комиллик чўққиларини забт этишди. Уларнинг ҳар бири ўзича бир дунё эди.

Мен шулар қаторидаги бир инсон номини алоҳида тилга олишни истайман. Бу камтар, камсукум олим ҳақиқий муаллим, педагогика фанлари номзоди, доцент Файзулло Бозоров эди.

Домла том маънодаги зиёли, бағрикенг, фидойи, ҳалол, талабаларга меҳрибон, ҳамкасблари, шогирдларига ғамхўр, эътиборли эдилар. Шу боис домлага интилувчилар, ихлосмандлар кўп эди.

Устоз бу муносабатларнинг барчасини табиий қабул қилар, одамларга бўлган муҳаббати янада ортарди. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган бўлгуси олим, жуда эрта ҳаёт машаққатларига дуч келган эди. Шундан бўлса керак, у бутун умри давомида инсонийлик, меҳр-оқибат тамойилларига содиқ қолди.

Файзулло Бозоров 1958 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети кимё факультетига ўқишга қабул қилинди. Тиришқоқлиги, илмининг машаққатли синовларига бардошли эканлиги боис тез орада устозлар назарига тушди. Мазкур факультетда лабо-

рант, ассистент ва катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатди. 1967 йилдан бошлаб университетнинг педагогика кафедрасида илмий изланишлар олиб борди. Аспирантурада тахсил олди. 1978 йилда Боқуда «Менделеевнинг илмий-педагогик мероси ва уни Ўзбекистоннинг олий педагогик ўқув юртлирида ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шундан бошлаб у бутун умрини педагогика фани ривожига бағишлади. Юзга яқин илмий-услубий тавсиялар, қатор долзарб мавзудаги мақолалар олимни мамлакатимизга танитди. Унинг илмий изланишлари нафақат республикамизда, балки кўшни давлатларда ҳам эътироф этилди.

Файзулло Бозоров салкам 50 йил давомида университет талабалигидан аспирант, ўқитувчи, фан номзоди, доцент, педагогика кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда мазкур соҳанинг даргалари бўлган бир қатор олимларга устозлик қилди.

Яқинда Самарқанд давлат чет тиллар институтида нашр этилган «Педагогик касби фидойилари» номли китоб қўлимга тушиб қолди. Унда устоз Файзулло Бозоров номи, илмий изланишлари, ибратли ҳаёт йўли қаламга олинган экан. Олим билан бирга фаолият кўрсатган педагогика фанлари номзоди, доцент Уғилой Отавалиева, доцент Мусо Халиловларнинг Файзулло

Бозоров ҳақидаги хотиралари мени яна бир бор ўйга толдирди. Баъзан лоқайдлик ёки эътиборсизлик оқибатида ёнимиздаги одамларни вақтида кадрлаш кераклигини, улардан ўрнак олиш зарурлигини унутиб қўямиз.

Лекин қалбимизга таскин берувчи битта ҳақиқат бор, у ҳам бўлса эзгуликка, ҳалолликка, яхшилиқка ўлим йўқ. Бу фазилатларга эга бўлган инсонлар умри мангуликка даҳлдордир.

Файзулло Бозоров ҳаёт бўлганларида шу кунларда табарруқ 70 ёшни қаршилардилар. Лекин у киши орамиздан бевақф кетдилар.

Бир одам тўғилди. Меҳнат қилди. Зиё тарқатди. Оила курди. Оқил фарзандлар тарбиялади. Одамларга яхшилик қилди. Мансаб талашмади. Унвонга, шон-шухратга интилмади. Камтарона, фозилона ҳаёт кечирди. Ўзидан яхши ном, авлодлари фахрлиниб юришга арзигulik олам қолдирди.

9 май — Хотира ва кадрлаш куни арафасида Файзулло Бозоров бутун умрини бағишлаган СамДУда унинг хотира кечаси ўтказилиши режалаштирилган. Инсон хотираси азия бўлган мамлакатнинг келажаги ҳам нурафшон бўлади.

Устознинг фарзандлари ва шогирдларига тасалли сифатида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг мана бу сатрларини эслайман:

Фарзанд инсон ортидаги

ёнб қолган чироқдир,

Чироқ ёқсанг, парвонаман,

руҳим менинг уйғоқдир,

Сен унутма, охиратда

ҳар дақиқанг сўроқдир,

Болам, отам ўлган дема,

мен ўзингда яшайман,

Жондан азия сўйган ўғлинг,

ҳам қизингда яшайман.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 6,9,13,16,20,23,27,30 июнь ҳамда 4,7,11,14,18,21,25,28 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шарқ тонги кўчаси, 12-ўйда жойлашган «AL AZIZ» ОАЖнинг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10BV 190 бўлган «ТИКО» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AJ 465 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 1 400 000 сўм.

Хамза тумани, Элбек кўчаси, 61-ўйда жойлашган «В.П.Чалов номли Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖнинг 1981 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AJ 045 бўлган «ЗИЛ-130-76» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 300 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектининг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» ўйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гувоҳнома № 000815

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шохалил Шоеқубовга ўғли

Шоислом ШОЕҚУБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия қўмитаси кенгаш бўлим мудири А.Юлдашевга отаси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Республикада хизмат кўрсатган юрист, меҳнат фахрийси

Умаржон ЮЛДАШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изхор қилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 10 май, чоршанба кунини чиқади)



Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази жамоаси

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтганларни ёд этади.

Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунимизни фаровон ва осойишта тасаввур этиш демақдир. Инсонийлик, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат бардавомлиги, айнан хотира ва қадрлаш билан узвий боғланқдир.



Мустақил Ўзбекистонимиз осмони ҳамиша бегубор ва мусаффо бўлсин!



АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Энг йирик ва нуфузли банклардан бири акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК» Сизлар учун янги, қулай ва манфаатли

«ЗАМИН»

муддатли жамғармасини жорий этди.

Омонатнинг энг кам муддати **2 (ИККИ) ОЙ** бўлиб, йиллик **22 ФОИЗ** миқдорида даромад тўланади!

Омонатнинг энг кам миқдори **100 МИНГ СЎМ.**

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» Фонди томонидан кафолатланган!

Шошилинг, имкониятингизни қўлдан бой берманг. Омонатга маблағлар шу йилнинг 31 МАЙИГА қадар қабул қилинади.

«ПАХТА БАНК»

Сизнинг келгуси даромадингиз кафилидир!

«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
«Golos Uzbekistana»
Norbo ShAKAROV
NomoZ SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPIBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 133-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Alisher RO'ZIEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuoti» va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi.

T — 750

11058 nusxada bosildi

t — Tижорат materiyasi

O'zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda